O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 280209

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 5 февраль, № 26 (4689) Пайшанба

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛИШ – КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг 4 февраль куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.

Хавфсизлик омили ҳар қандай тараққиётнинг асосидир. Бугун ҳеч бир мамлакат ҳозирги замоннинг глобал хавф-хатар ва таҳдидларидан ўзини мутлақо фориғ, деб кафолат бера олмайди. Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳар қандай давлатнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги фақат унинг ўзигагина боғлиқ эмаслигини, бунинг учун кенг кўламдаги халқаро ҳамкорлик зарурлигини таъкидлаб келади. Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар бу фикрнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Маълумки, терроризм, экстремизм каби ҳозирги замон хавф-хатар ва таҳдидлари чегара билмайди. Бу таҳдидлар сирасига айирмачилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва қурол-яроғ контрабандаси ҳам киради. Айни пайтда улар ўзаро боғланиб кетган ва бир-биридан қувват олади.

Бундай мураккаб шароитда ОДКБга аъзо давлатларнинг мазкур хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш, айниқса, долзарб аҳамият касб этади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.

Саммитда ОДКБнинг коллектив оператив ҳаракат кучларини тузиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала юзасидан фикр алмашув чоғида Президентлар тузилаётган коллектив оператив ҳаракат кучларининг таркибини, ваколат ва мажбуриятларини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидладилар. Мамлакатимиз раҳбари бунда ОДКБга аъзо давлатларнинг миллий манфаатларини, миллий қонунчилиги талабларини, шунингдек, минтақадаги мавжуд вазиятни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессияси якунида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги таклифлар асосан маъқулланди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Сурхондарё вилоятида Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқда сервис хизмати

Натижада сервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларда замонавий технологиялар жорий этилаётир. Бу ўз навбатида, хизмат турлари кўпайишини таъминламоқда.

Шеробод туманидаги Ўсимликларни озиқлантирувчи эритма тайёрлаш марказида, масалан, оҳак-олтингугурт ва суспензия эритмалари тайёрланиб, улар экин майдонларига пешма-пеш етказиб берилмоқда. "Фармакопия-Озода" хусусий зооветеринария пунктида эса зотли қорамоллар сонини кўпайтиришга эътибор қаратилаяпти.

Қишлоқларда хизмат кўрсатишнинг бундай замонавий шакллари пайдо бўлиши аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги "Давр-М" хусусий корхонасида сутдан тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпаймоқда.

Маҳсулот тури кўпайди

Замонавий технология билан жиҳозланган корхона ҳозир соатига 1-1,5 тоннагача сутни қадоқлаб, истеъмолчиларга етказиб бераётир.

— Аҳоли чорвачилиги йилдан-йилга ривожланаётгани боис хом ашёмиз ҳам тобора ортаяпти, — дейди корхона раҳбари Б. Азимов. — Шу боис жорий йилдан қаймоқ, сариёғ, қатиқдан ташқари дудланган пишлоқ, бринза, творог каби парҳез маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида янги ёрдамчи хўжалик фаолият кўрсата бошлади.

Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги

Гўшт ва сут етиштиришга ихтисослаштирилган мазкур хўжаликда ҳозир Украинадан келтирилган 135 бош зотли бузоқ парвариш қилинаяпти. Хўжалик учун 400 гектар озуқа экинлари майдони ажратилди. Яна 115 бош маҳсулдорлиги юқори бўлган қорамол харид қилиш кўзда тутилмоқда. Келгусида корхона ишчи-ходимларининг арзон сут ва гўштга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, ёрдамчи хўжалик маҳсулотларини фирма дўконлари орқали аҳолига сотиш ҳам йўлга қўйилади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарғона шаҳридаги "Парвоз" ихтисослашган мактаби ўқувчиларни маълум касб йўналиши бўйича босқичма-босқич тайёрлаб борши билан эътибор қозонган.

«Парвоз»нинг парвози

Шунингдек, мактаб жамоаси ўтган ўқув йилида ҳам улкан муваффақиятларга эришди. Жумладан, мактаб ўқувчиларидан 12 нафари "Янги авлод" танловининг республика босқичида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашди. Фан олимпиадаларида эришилган ютуқлар эса бундан-да юқори. Бу борада устозлар ҳам ўқувчиларига ибрат кўрсатишаяпти. Вилоят миқёсида ўтказилган "Энг яхши фан ўқитувчиси" танловида Лола Аҳмедова, Светлана Калаткушкина, Собиржон Жўраев ҳамда Светлана Ибрагимованинг маҳорати юксак баҳолангани шундан далолатдир.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар тақдирига эътибор келажакка ишончи мустаҳкам юртимизда устувор масалалардан саналади. Чунки биз, ёшлар юксак ишончга муносиб кўрилганимиз, Президентимизнинг беқиёс ғамхўрликларидан баҳраманд яшаётганимиз учун ҳам ўз олдимизга катта мақсадлар қўяяпмиз.

ҒАМХЎРЛИКДАН БАҲРАМАНДМИЗ

Қолаверса, ҳар биримиз фаровон ҳаёт асосини яратишда муносиб ҳиссамиз бўлиши кераклигини дилдан англаб турибмиз.

Бугун ич-ичимда чексиз фахр ҳиссини туйиб яшаяпман. Ахир нега ҳам фахрланмайин, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликлар туфайли энди ўз уй-жойимга эга бўлдим. Оила аъзоларим билан кўпдан буён ўзимизнинг тураржойимиз бўлишини ният қилиб юрардик. Ана шу орзуимиз ушалди.

Қувонч

Янги хонадонни ёш оилалар учун бериладиган имтиёзли кредит ҳисобига сотиб олдим. Керакли ҳужжатларни "Асакабанк"нинг Хоразм вилояти филиалига топшириб, қисқа муддат ичида йигирма беш миллион сўм миқдорида кредит олишга муваффақ бўлдим. Ҳозир оилам, жажжи фарзандларим билан Янгибозор тумани Ширинқўғирот қишлоғидаги шинамгина ҳовлида истиқомат қилаяпмиз.

Эшитишимизча, биргина ўтган йили вилоятимизда мен каби яна 152 нафар ёш оила шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлибди. "Асакабанк"нинг Хоразм вилояти филиали 63 та ёш оилага уй-жой сотиб олиш учун 2 млрд. 155 млн. сўмдан ортиқ ипотека кредити ажратганининг ўзиёқ ёшларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ифодасидир. Қолаверса, 62 та ёш оила банкнинг 210 млн. сўмлик-

(Давоми 2-бетда).

ЛИ КЁНГ СИК – «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ НИШОНДОРИ

Юртимиз оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «The Korea Post» журнали Президенти-ношири Ли Кёнг Сикни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Биз ва жаҳон

Ли Кёнг Сик Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, шунингдек, ўзбек халқи бой маданий, маънавий ва тарихий меросини, мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб этишда қўшган улкан ҳиссаси учун мазкур юксак давлат мукофоти билан тақдирланди.

Икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун Ли Кёнг Сик 2006 йилда Тошкент давлат шарқшуносликинститути фахрий доктори унвонига сазовор бўлганди.

Моҳир журналист Ли Кёнг Сик мана, 23 йилдирки, Жанубий Кореяда инглиз тилида чоп этиладиган энг оммавий ва нуфузли ижтимоий-сиёсий журналлардан бирини нашр этиб келмоқда. 1985 йилдан буён чоп этиб келинаётган ва адади 20 минг нусхани ташкил этувчи «The Korea Post» мамлакатдаги етакчи нашрлардандир. Журнал Корея Республикаси сиёсий, академик, ишбилармон ва ижтимоий доираларида, шунингдек, Шимолий ва Жанубий Америка, Европа ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларида тарқатилади.

«The Korea Post» бир неча йилдан буён, яъни Жанубий Кореяда Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси очилган 1995 йилдан эътиборан ёрқин ва рангли фотосуратлар билан безатилган ҳамда мамлакатимизга бағишланган ахборот ҳамда таҳлилий материаллар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тўғрисидаги очерклар, Юртбошимизнинг маъруза ва нутқлари, республикада амалга оширилаётган сиёсий ҳамда демократик ислоҳот ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларга оид ва бошқа турдаги мақолаларни мунтазам чоп этиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

УНУМЛИ МЕҲНАТГА — БАРАКАЛИ РАҒБАТ

Бир рақам шарҳи

2008 йилда мамлакатимизда бюджет соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақи **51** фоизга ошди.

Юртимизда аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар кўрилгани бунга замин яратди.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

"Давлат қачон ўз вазифасини муваффақиятли адо этади? Қачонки давлат идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган бўлса. Шу маънода, мен нодавлат тузилмалар, жумладан, маҳалла институтини фуқаролик жамияти тизимидаги ҳал қилувчи бўғин, деб биламан. Одамларнинг дардини, кундалик ўй-ташвишларини яқиндан тушунишда, уларнинг оғирини енгил қилишда энг халқчил идора бўлмиш маҳалла адолатли иш олиб боришига ишонаман. Нега деганда, маҳалла — халқ виждони демакдир..." деган эди мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида.

МАҲАЛЛА — ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР ЎЧОҒИ

Юртбошимиз, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида ҳам жамиятда бугун маҳалланинг ўрни ва роли ортиб бораётганини алоҳида таъкидладилар: "...Олижаноб мақсадларга эришиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини тушуниш, англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Бир вақтлар "Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла" деган ибора бежиз пайдо бўлмаган ўзи".

Таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда маҳалла институтига эътибор жуда кучайди. Кундан-кунга мамлакат ва жамият ҳаётида унинг аҳамияти ортиб, фаолият кўлами ҳамда ваколатлари кенгайиб бормоқда. Бошқача айтганда, маҳалла бугун катта кучга айланган. Буни республикамизда ҳозирда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд эканлигидан ҳам билса бўлади. Уларнинг ҳар бирида турли йўналишлар бўйича ўндан ортиқ комиссиялар жамоатчилик асосида фаолият юритмоқда. Яраштириш, ёшлар ва вояга етмаганлар ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш, тўй-маросимлар ўтказиш ва спорт ишларини тартибга солиш, маъмурий, ободонлаштириш ва табиатни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик, ҳунармандчилик ҳамда касаначиликни ривожлантириш ишлари бўйича комиссиялар шулар жумласига киради. Уларнинг ҳар бирига беш-олти нафардан фаоллар жалб этилган. Қолаверса, кўчабоши, уйбоши, йўлакбоши, маҳалла посбонлари сингари жамоатчилик вазифалари борки, айнан уларнинг кўмаги билан жойларда эътирофга молик ишлар амалга оширилаяпти.

Давр аҳолига аниқ, адолат ва холислик мезонлари асосида ҳамда мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатишни тақозо қилмоқда. Маълум бир ҳудудда яшовчи фуқароларнинг моддий аҳволи, ким нимага муҳтожу кимга қандай ёрдам кўрсатиш зарурлигини маҳалла-кўй ишига, ҳаётига бевосита дахлдор кишиларгина яхши билади. Айни шу вазифани тўлақонли адо этишда фуқаролар йиғинлари мутасаддилари маҳалла фаоллари, нуроний ва кексалар билан кенгашиб, уларнинг маслаҳати, йўл-йўриғи асосида масалага ёндашиши амалда ўзини оқламоқда.

2008 йилнинг уч чорагида «Маҳалла» жамғармасининг ҳудудий бўлим ва бўлимчалари томонидан қишлоқ жойларда кам таъминланган оилаларга 614 бош, ҳомийлар томонидан эса 17 минг бошдан зиёд қорамол олиб берилди. 900 нафар эҳтиёжманд оила 45 минг-та парранда билан таъминланди. Шунингдек, шу йилнинг ўтган даврида жамғарма ва ҳомийлар кўмаги республикамиз бўйича 1878 та эҳтиёжманд ёш оила фарзандларининг хатна ва никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. Буларнинг ҳаммаси фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда эканлигини кўрсатади.

Маҳаллаларда турли миллат вакиллари яшайди. Уларнинг ёши ва касб-корлари ҳам турлича. Шу боис мурожаатлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, кредит олиш, ер-сув, томорқа, моддий ёрдам, ҳуқуқий ва бошқа кўплаб масалаларда, ҳаттоки оилавий келишмовчиликлар юзасидан ҳам йиғин мутасаддиларига мурожаат қилишяпти. Ўз навбатида, йиғин ходимлари уларнинг мурожаатларини эътиборсиз қолдиришаётгани йўқ. Биргина яраштириш комиссияси қанчадан-қанча оилаларни бузилиб кетишдан, қанчадан-қанча фарзандларни етим бўлиб қолишдан асради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида»ги Низом талабларининг бажарилиши юзасидан республикамиздаги барча фуқаролар йиғинларида ҳар чоракда уларнинг иш фаолияти мониторинг қилиб келинмоқда. Натижалар қувонарли. Фуқаролар йиғинларида 2008 йилнинг ўтган даврида оилавий келишмовчиликлар юзасидан 22 мингга яқин ариза кўриб чиқилган. Шундан, 21500 та оилавий низо муҳокама этилиб, 13 мингга яқин оиланинг тинчлиги таъминланди. 12421 та оила яраштирилди.

Бир пайтлар ғарблик айрим "демократлар" бизнинг маҳалла институтимизни оилавий ишларга, яъни эру хотин, қўни-қўшни ўртасидаги низоларга аралашишда айблаб чиққанди. Уларнинг фикрича, бу демократик принципларга зид, ҳар бир инсон ўз билганича, ўзи хоҳлаган одам билан яшашга ҳақли эмиш. Демак, минглаб оилаларнинг бузилиши, ўн минглаб болаларнинг етим қолиши демократия экан-да?! Бундай демократия кимга керак? Ёш оилада эру хотин бир сабаб билан келишмай қолса, кўпни кўрган қариялар, нуронийлар аралашиб уларни яраштириб қўйса, қайси демократик принцип бузилади? Юқорида келтирилган рақамларга эътибор беринг. Маҳалла аралашуви билан қанча низо барҳам топди, қанча оилага яна қувонч кириб келди.

Яраштириш комиссияси нафақат эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар, балки ота-она ва фарзанд, ака-ука, опа-сингил, қайнона-келин, қўни-қўшнилар ўртасидаги турли низоларни ҳал этиш ҳамда бузилган муносабатларни тиклаш чораларини кўришга ҳам масъул. Қолаверса, ушбу комиссиялар маҳалла ҳудудида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида бўладиган тадбирларда, йиғилишларда иштирок этиб, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, шунингдек, оилавий низоларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи бошқа иллатларнинг олдини олишга қаратилган чиқишлар қилади.

Яна бир гап. Айни пайтда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўзларини қийнаётган саволларига жавоб, муаммоларига ечим топишга кўмаклашишни сўраб маҳаллага, хусусан, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисига мурожаат қилишмоқда. Бу республикамиз бўйича фаолият кўрсатаётган 8039 нафар маслаҳатчи зиммасига катта масъулият юклаши билан бирга, уларнинг олдига юксак талаблар ҳам қўймоқда.

Маслаҳатчи турли йўналишлар бўйича иш олиб борар экан, кексалар, нуронийларнинг тажрибаси, йўл-йўриғи, уй бошлиқлари ва етакчи хотин-қизлар ёрдамига таянади. Айни пайтда йиғинларда ўз атрофига ана шундай инсонларни жамлаган маслаҳат гуруҳлари маслаҳатчилар билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда йиғин фаоллари томонидан республика бўйича бир миллиондан ортиқ оиланинг аҳволи ўрганиб чиқилиб, 324 мингта оила моддий ёрдамга муҳтож эканлиги аниқланди ҳамда «Маҳалла» жамғармаси, ҳомийлар кўмагида қарийб 1 млрд. 300 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назорати ҳар қандай назорат туридан самаралироқдир. Маълум бир маҳалладаги вазиятни, ундаги мавжуд муаммоларни аниқлаб, ижобий ечим топишда, табиийки, маҳалладошларнинг, яъни фидойи жамоатчиларнинг кўмаги, ташаббускорлиги зарур бўлади. Бу — жойларда «Нуроний» жамоатчилик марказларининг фаолият юритиши учун етарли асос. Қолаверса, ушбу марказ фаоллари маҳаллалар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Айни пайтда «Нуроний» жамоатчилик маркази раиси фуқаролар йиғини оқсоқолининг ўринбосари ҳам ҳисобланади.

Шуни қувонч билан эътироф этиш мумкинки, жамоатчилик марказлари фаолият бошлаганидан буён Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида катта ижобий тажриба орттирилди. Ҳозир улар фаолиятидаги кўпгина жиҳатлар республикамизнинг барча ҳудудларида кенг оммалаштирилмоқда.

Айни пайтда жойларда ёшлар ва қариялар ўртасида ўтказилаётган «Уч авлод учрашувлари», давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, маҳалла тизими ҳамда ҳомийлар томонидан кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик янада кенгаяди. «Маҳалла» ва Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармалари ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик алоқаларининг тобора такомиллашиб ва мустаҳкамланиб бораётгани эса истиқболдаги вазифаларнинг тўлақонли уддаланишига ишонч уйғотади, албатта.

Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси.

ЛИ КЁНГ СИК – «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ НИШОНДОРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ли Кёнг Сик юртимизда бўлиб ўтган парламент сайловида икки маротаба иштирок этди. Шунингдек, у халқаро кузатувчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларининг холисона ёритилишини таъминлашда қатнашди.

Ўтган йили ёзда Тошкентда «Замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлиги» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда дунёнинг 18 мамлакатидан, жумладан, Буюк Британия, Германия, Миср, Исроил, Индонезия, Хитой, Кувайт, Малайзия, Польша, Корея Республикаси, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Японияндан ташриф буюрган эксперт, таҳлилчи ҳамда оммавий ахборот воситалари, шунингдек, мамлакатимиздаги хорижий дипломатия корпуслари ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Жанубий Корея журналистлари гуруҳи таркибида Президент-ношир Ли Кёнг Сик ҳам анжуманда иштирок этиб, ўзининг сермазмун маърузаси билан чиқиш қилди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида у қуйидаги фикрларни билдирди: «Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ОАВ ва журналистиканинг мустақиллигини таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилган. Мамлакатдаги барча жабҳаларда халқингизнинг тараққиётга эришиш йўлида шижоат билан меҳнат қилаётгани намоён бўлмоқда. Мен Ўзбекистонда хусусий тартибда бошқарилувчи ва молиялаштирилувчи ОАВ фаолият кўрсатаётганини юксак баҳолайман, зеро, мазкур жиҳатлар уларнинг мустақиллигини таъминлайди. Телекоммуникация соҳасида нодавлат секторнинг ривожланаётгани эса жамиятнинг демократик янгиланаётганидан далолатдир».

Ўзбекистонга бағишланган мақолалардан бирида Ли Кёнг Сик ислоҳотларни амалга ошириш борасида Президент Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатларини бугунги кунда ижтимоий сўровларда «Мамлакатнинг энг яхши Президенти» деб эътироф этилаётган Корея Республикаси собиқ Президенти Пак Чжон Хин фаолияти билан тенглаштиради.

Нашр Юртбошимизни истеъдодли раҳбар, буюк сиёсий стратег ва тактик, тажрибали ва моҳир иқтисодчи сифатида баҳолайди.

— Президент Ислом Каримов ўзининг иродали инсон учун хос хусусиятлари ва аниқ мақсад йўлидаги собитқадамлиги билан танилган, — деб ёзади «The Korea Post». — У мамлакатда демократик ислоҳотлар ва иқтисодий янгиланишларни муваффақиятли амалга ошириб, ўзининг раҳбарлик борасидаги қобилиятларини намоён этди.

«The Korea Post»нинг ҳар йилги илк сони Ўзбекистон Республикасига бағишланиши ажойиб бир анъанага айланган. Жорий 2009 йил январда журналда «Ўзбекистон ўз ислоҳот ва модернизация моделини ривожлантирмоқда» сарлавҳаси остида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаси эълон қилинди.

Ли Кёнг Сик етуклик ёшида бўлганига қарамай, ҳамон серғайрат ва янги ижодий режаларни кўзда тутмоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши эса Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

«Жаҳон» АА.

Қашқадарё томонларда

Чироқчи туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Битирувчилар – эътиборда

Туман Бандликка кўмаклашиш маркази ҳар бир ёш мутахассисни ҳисобга олиб, уларнинг кейинги фаолиятини назорат қилиб бораяпти.

Ўтган ўқув йилида тумандаги тўртта коллежни 1197 нафар ўқувчи битириб чиққан эди. Бугунги кунда улардан 586 таси эгаллаган касби бўйича ишлаяпти. 478 киши бошқа соҳаларда иш билан банд. 57 нафар йигит ҳарбий хизматни ўтамоқда. 77 нафар иқтидорли ёш олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттирмоқда. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига бундай эътибор таълимнинг мазкур турига ёшларнинг қизиқишини янада кучайтириши шубҳасиз.

Қуёнчилик ҳам хазина

Ғузор туманидаги Халқобод қишлоғилик Абдурашид Ҳусанов тажрибали фермер. 100 гектар лалми ери бор. Бу йил 50 гектарига ғалла экди. У деҳқончиликдан ташқари қуёнчилик билан ҳам шуғулланади.

Уч йил олдин учта қуён олиб, уларни парваришлай бошлаган эди. Бугунга келиб қуёнлар сони салкам 400 тага етди. Меҳнатнинг самараси сифатида пархез гўшт ва мўйнадан яхшигина даромад қила бошлади. Натижада "Жамшид Тўрабобо" фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичларида ғаллачилик билан бир қаторда қуёнчилик ҳам салмоқли ўрин эгаллади. Эндиликда қуёнчилик фермаси учун махсус бино қурилиб, у ерда 15 киши меҳнат қилмоқда.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақиллик деҳқонга нафақат ер ва техника, балки ҳар жабҳада катта имкон ва имтиёзлар берди. Бугунги кунда деҳқон ўз мулкига эгалик қилиш билан бирга, унда етиштирилаётган ҳосилни ҳам ўзи тасарруф этади. Шу туфайли у эртанги ҳосилининг тақдири бугундан, айни дақиқалардан яратилишини яхши англайди.

ИМКОН ВА ИМТИЁЗ МАСЪУЛИЯТИ

— Биз қиш фаслини ҳам иш фаслига айлантирганмиз, — дейди Норин туманидаги "Софлик боғи" фермер хўжалиги механизатори Муродилла Халилов (суратда). — Тумандаги деҳқонлар шу пайтгача ариқзовурларни чопиш, сув иншоотларини таъмирлаш ва янгидан қуриш, дала четларини тартибга келтириш, тутларни ўғитлаш ва оқлаш каби зарур агротехник тадбирларни сифатли ниҳоясига етказишди.

Дарҳақиқат, туманда амалга оширилаётган хайрли тадбирларнинг адоғи йўқ. Норинликлар 2008 йилнинг биринчи кунида "Ёшлар боғи"га асос солишганди. Энг асосийси, туман фахрийлари ҳашар уюштириб, 300 тупдан зиёд манзарали кўчатлар ўтказишди.

Мавсум

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам ушбу анъана давом эттирилмоқда. Январнинг илк кунларида минглаб норинликлар кўча, хиёбонларни тўлдириб ҳашарга чиқишди. Шу куни 4500 тупдан ошиқ арча, каштан ва бошқа ниҳоллар ўтказилди.

Ана шу хайрли юмушлар билан бир қаторда техникаларни қўкламги экиш мавсумига тайёрлашда ҳам қувончли натижаларга эришилди. Мавжуд 187 та чопиқ трактори, шунча культиватор, 54 та экиш мосламаси ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари сифатли таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда 6575 гектар майдонда пахта етиштиришга бел боғлаган норинликлар ҳосилдорликни камида 5 центнерга ошириш, ундан олинадиган даромадни қишлоқлар ободончилигига сарфлашни мақсад қилганлар.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ.
Муаллиф олган суратлар.

ҒАМХЎРЛИКДАН БАҲРАМАНДМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дан зиёд истеъмол кредити ҳисобига маиший техника жиҳозлари, мебеллар мажмуи билан рўзғорини бутлашга эришганлиги ҳам мустақил ҳаёт бошлаган ёшлар учун беқиёс кўмак бўлди, дейиш мумкин.

Бу ғамхўрликларга жавобан мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшамоғимиз, эл-юрт манфаатлари йўлида астойдил хизмат қилишимиз лозим. Зеро, бу билан она-Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган, ҳавас қилса арзигулик муваффақият ва натижаларга эришишда фаоллик кўрсатган бўламиз.

Руслан ТЎРАБОЕВ.
Янгибозор тумани

Мустақиллик шарофати туфайли қишлоқларимизнинг ҳам қиёфаси ўзгарди. Оддий, лойсувоқ кулбалар ўрнида қўшқаватли ғиштин уйлар қад ростламоқда. Нураган, кўримсиз мактаблар бинолари ўрнида осмонўпар мактаб ва коллежларнинг кошоналари бунёд этилди. "Ажабо? — дейсан буларни кўриб беихтиёр. — Номи қишлоғу лекин ўзи шаҳардай..."

ДЕҲҚОННИНГ БИРИ ИККИ БЎЛМОҚДА

1986 йили Германияда икки ойлик малака оширишда бўлганимда, у ердаги қишлоқларни кўриб ҳайратлангандим. Шаҳардаги барча қулайликлар, имкониятлар бор. Ўшанда хароба қишлоқларимизни кўз олдимга келтириб, афсусланган, анча изтироб чеккандим.

Беҳисоб шукрлар бўлсинки, истиқлол минглаб тугунлар қаторида бу тугунни ҳам ечди, бу муаммони ҳам ҳал этди...

Очиғи, қишлоқда яшашнинг гашти бўлакча. Данғиллама ҳовлингнинг бир чети кенг далага туташ! Сут-қатиқ, қаймоқ, гўшт, сабзавот, мева — ўзингники, ўзингдан чиқаяпти. Омборинг тўла дон. Гижинглаган тойдай "Нексия" айвонинг остида. Газ шарофатидан қишда уйинг иссиқ. Электр чироғи ёниб турибди. Тоза ичимлик суви бор. Дунё андозасига мос қилиб қурилган, олий тоифадаги ўқитувчилар дарс бераётган ўқув даргоҳлари — мактаб ва коллежларда фарзандларимиз таълим олмоқда. Йўллар равон.

Лекин булар ўз-ўзидан барпо бўлаяптими? Асло! Ҳолва деган билан оғиз чучимас. Қишлоқнинг ҳам ўз ташвишлари, риёзатлари бор. Тер тўкиб ишламасанг, иш кўзини билмасанг, кошона қуриб бўладими? Омбор донга тўладими? Машина олиб бўладими? Бу орзу-ҳаваслар ҳалол меҳнатнинг шарофатидир.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Ажабо? Собиқ тузум замонида ҳам деҳқон тер тўкиб, эрта саҳардан шомгача ишларди-ку? Тоннатонна пахта, пилла, гўшт, мева ва сабзавот, шунингдек, бошқа маҳсулотлар етиштирар, лекин нега ҳеч бири икки бўлмас, қозондаги ёвғон шўрва бугунгидай паловга айланмасди? Дарвоқе, у замондаги меҳнат тақсимоти, меҳнатга яраша ҳақ беришда адолат йўқ эди. Филдай меҳнат қилганга чумоли ҳақини, чумолидай меҳнат қилганга фил ҳақини бермайдилар-да!..

— Шўролар замонида бутун Лоша қишлоғимизда уч-тўртта енгил машина бўларди, — дейди Бу-хоро туманида яшовчи етмиш яшар Темур бобо Ғаниев. — Ҳозир, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уч юздан зиёд енгил машина бор. Хусусий трактор, юк машинаси, автобусларни кўриб ҳанг-манг бўласиз.

У замонларда ёшлар оддий музқаймоқни қидириб шаҳарга борарди. Ҳозир қишлоғимизда йил — ўн икки ой мобайнида музқаймоқ тугул анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарсани харид қилишингиз мумкин. Замонавий "минимаркет"лар хизматда.

Қишлоғимиздаги маиший хизмат шохобчаларини кўринг: бичувчию тикувчилар, сартарошхонаю устахоналар хизматингизга шай. Маҳобатли тўртта қаср — тўйхона ишлаб турибди. Шунча поликлиника аҳоли хизматида. Камол Саидовнинг икки қаватли, ҳашаматли хусусий поликлиникасида, ҳатто, шаҳарликлар даволанаяптилар. Чунки бу ердаги жиҳозлар замонавий, тиббий ходимлари эса малакали мутахассислардир. Тадбиркорларимиз эса хусусий корхоналарни бунёд қилмоқдалар. Макарон, кондитер маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқарадиган корхоналар аҳоли талаб ва эҳтиёжини қондирмоқда.

Болалигимизда мириқиб футбол ўйнашни орзу қилардик. Йўлларда, далаларда тўп тепардик. Ҳозир-чи? Қишлоғимизда иккита стадион бор. Ёшларга малакали спорт усталари сабоқ бермоқда. Қишлоқдан чемпионлар чиқаяпти.

Шу қишлоқлик Бақо бобо Сафаров эса шундай дейди:

— Ҳамқишлоқларим фарзандлари Германия, Англия, Франция каби мамлакатларда таълим олмоқда. Етмиш йиллик шўро замонида бирор-бир лошалик ҳажга борган эди. Буни қарангки, 2008 йилда етти киши ҳаж зиёратига бориб келди. Мен 94 ёшга кирдим. Бундай фаровон, бундай тинч, бундай қут-баракали замон олдин бўлмаган. Қишлоқ йўлларида ҳар дамда ғизиллаб ўтиб кетаётган енгил машиналар, ҳар қадамдаги новвойхоналар, гўшт дўконларини айтмайсизми! Неварам Илёсжон — фермер. Тагида машинаси, кўрса ҳавас қилгулик ҳовлиси бор. Омбори тўла ғалла. Меҳнат қилади-да! Меҳнаткаш деҳқоннинг замони келди. Яратганга шукр!

Дарҳақиқат, фермернинг, тижоратчининг, зиёлининг, тадбиркорнинг, хуллас, меҳнаткашнинг замони келди! Чунки юртнинг эгаси бор. Меҳнаткашнинг орқасида тоғдай суянчиғи бор! 2009 йилни Юртбошимиз Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб атаганлари ҳам бежиз эмас. Зеро, қишлоқларимиз янада обод, фаровон, гўзал бўлиши керак.

"Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир" деб таъкидлади Президентимиз.

Мана шу бурч ҳар бир Ўзбекистон фуқаросини буюк бунёдкорликка, она-Ватан, эл-юрт учун хизматга даъват этади.

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ.

КАСАНАЧИЛИК САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аҳолини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш орқали бандлик даражасини ошириш, касаначиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фармон ва ижро

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ушбу ҳужжат ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бектемир тумани Бандликка кўмаклашувчи марказидан маълум қилишларича, 2008 йилда туманда 360 нафар киши касаначилик асосида ишга жойлашган. Уларнинг эллик нафардан ортиғи худуддаги «Қуюв механика заводи»да, «Дўстлик транссервис», «Нур эл бизнес» ҳамда «Фулонг индустриал» корхоналари билан шартнома асосида меҳнат қилмоқда.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» — ТАДБИРКОРЛАР МАДАДКОРИ

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси йил сайин ошиб бораяпти. 2010 йилга келиб, бу кўрсаткични 50-52 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ташкил этилган эди. 2008 йил, айниқса, бу жамоа учун самарали давр бўлди. Ўтган йили банк хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларига яратувчилик ишлари учун 92 миллиард сўм миқдорида сармоялар ажратгани, бу маблағ аввалги йилдагига нисбатан 1,6 баробар кўплиги бунинг тасдиғидир.

Ушбу кредитларнинг 18 фоизи (16,1 миллиард сўм) ишлаб чиқаришга, 35 фоизи (32,7 миллиард сўм) қишлоқ хўжалигига, 26 фоизи (24,1 миллиард сўм) қурилиш ва маиший хизматга, 13 фоизи (12,3 миллиард сўм) айланма маблағларни тўлдиришга ва 7 фоизи бошқа тармоқларга йўналтирилди. Шунинг ҳисобига ҳамда банк томонидан кўрсатилган микролизинг хизматлари натижасида 56 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

2008 йил давомида, шунингдек, банкнинг капитал базаси мустаҳкамланди. Устав капиталининг йиллик ўсиши 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, 124 миллиард сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан 164 фоизга ошди.

Бошқача айтганда, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган икки йил давомида ушбу банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 баробарга ошди ҳамда бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектларига, хусусан, қишлоқларимиз аҳолисига банкнинг 78 филиали, 270 дан ортиқ мини банки ва кўплаб агентликлари хизмат кўрсатмоқда.

Мижозлар имтиёзлардан фойдаланмоқда

Ўз фаолиятини "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" деган тамойил асосида ташкил этган "Микрокредитбанк" аҳолининг турли қатламлари билан ҳамкорликни йўлга қўйгани ўз самарасини бераяпти. Банк мижозлари сони 140 минг нафардан ошгани шундан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада банк учун кенг имкониятлар яратди. Жумладан, Фармонга биноан, банк устав капитали 72 миллиард сўмга кўпайтирилиб, 150 миллиард сўмга етказилди. Фермерларга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги микросармоянинг йиллик фоизи 5 фоиздан 3 фоизга, айланма маблағларни тўлдириш учун энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида ажратиладиган микрокредит Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига, кичик бизнес субъектларига энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорда бериладиган лизинг хизматлари учун тўланадиган устама — 7 фоиздан 5 фоизга камайтирилди. Ана шу тежалган маблағлар эндиликда тадбиркорларнинг аҳоли учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Банкнинг 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини манзилли қўллаб-қувватлаш режасига биноан, ажратилган микросармояларга замонавий ускуналар ҳамда минитехнологиялар харид қилиниб, қишлоқларда янги корхоналар ва иш ўринлари яратилади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасида мунтазам равишда кўриктанловлар, турли кўргазмалар ўтказиб турилади.

Ёшларга эътибор

Ҳар қандай касб-ҳунар сирлари ёшликдан эгалланса, яхши самара беради. Чунки пухта билим ва ҳунар мужассамлиги ўсмирларни келажакда ҳақиқий ишбилармонга айлантириши муқаррар. Ҳозирги кунда банк жамоаси бу борада ҳам яхши тажрибага эга. Яъни, республика Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорлик натижасида банк мутахассислари коллежларга бориб, тадбиркорликни қандай ташкил этиш хусусида фойдали учрашувлар, суҳбатлар ўтказишмоқда, турли машғулот ҳамда дарсларни олиб боришмоқда. Шундай ишлар самараси ўлароқ, ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган 1292 нафар ёш йигит-қизга 1,3 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Шунингдек, аёллар ҳам банкнинг ишончли ҳамкорлари ҳисобланади. Шу боис айни дамда кўплаб тадбиркор аёллар жойларда гўзаллик салонлари, кийим-кечак тикиш устахоналари, каштачилик, умумий овқатланиш сингари хизмат кўрсатиш шохобчаларини бошқаришмоқда. Банк ўтган йили соҳани ривожлантиришга 13,2 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратди. Бунинг натижасида республика бўйича 16022 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, банк бултур 8672 ёш оилага 15 миллиард сўмлик кредитлар ажратди. Бунда асосий эътибор ёш оилаларнинг тадбиркорлик йўналишидаги ишларини йўлга қўйишга ва улар учун доимий ҳамда ишончли даромад манбаи яратишга қаратилди. Жумладан, 4884 нафар ёш оилага тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 8,2 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар, шунингдек, хонадонга мебель харид қилиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 3788 ёш оилага 6,9 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари берилди.

Банкнинг ўтган йилги фаолиятида узоқ қишлоқларда замонавий ва сифатли сервис ҳамда маиший хизмат турларини кенгайтиришни моддий қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу борадаги лойиҳаларни молиялаш учун эса 8,7 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Кичик маблағнинг катта кучи

Микрокредит — ўз номи билан кичик ҳажмдаги сармоя. Аммо ҳамма гап ана шу сармоя туфайли эришилган натижададир. Банкнинг тадбиркорлар билан ҳамкорлиги эса кичик сармоялар ҳисобига каттагина корхоналар ташкил этиш, элга манзур бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Хивалик тадбиркор Меҳрибон Маткаримова банкдан олган ярим миллион сўмлик сармояси эвазига 17 нафар кишини иш билан таъминлади. Гап шундаки, "Хива ёдгорликлари" комплекси ичидаги мадрасалардан бирини эгаллаган бу корхонада экологик жиҳатдан тоза ва асрлар давомида ҳам ўз қимматини йўқотмайдиган гилам тўқиш йўлга қўйилган. Эътиборлиси, улар фақат табиий ашёлардан тўқилади. Унинг ранглари эса ёнғоқнинг пўстидан, пиёзнинг пўстлоғидан, тут, олма ва бошқа дарахтларнинг япроғидан олинади. Хива ёдгорликларини томоша қилган сайёҳлар, аввало, бу гиламларнинг яратилиш жараёни билан яқиндан танишадилар ва шундан сўнг буюртма берадилар. Тадбиркорнинг интернетда ўз сайтини очганлиги ҳам сайёҳларга келишларидан аввал ўзлари ёқтирган гиламларга буюртма беришга кўмаклашмоқда.

Андижон вилоятининг энг чекка ҳудуди — Қорасувда «Микрокредитбанк»нинг мини банки очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, ушбу мини банк томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 100 миллион сўмга яқин микрокредитлар берилди.

Тадбиркор Муҳаммадюсуф Комилов шу мини банкдан олган 10 миллион сўм миқдоридаги маблағ ҳисобига бўш бинони таъмирлаб унга жиҳозлар сотиб олди ва бу ерда умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этди. Унинг ёнида мебель дўкони очди. Энг муҳими, тадбиркорнинг ташаббуси билан қорасувлик 35 нафар фуқаро фойдали меҳнатга жалб қилинди.

— Эндиликда маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини очиш ҳаракатидамиз, — дейди М. Комилов. — Режаларимиз амалга ошса, яна 30-35 нафар ёшга янги иш ўринлари яратилади.

Шу шаҳардаги «Шус Стрейдинг» масъулияти чекланган жамияти ҳам мини банк ҳамкорлигида иш бошлаган тадбиркорлик субъектларидан биридир. Ҳозир корхонада ўрнатилган 12 дастгоҳ ёрдамида сифатли пайпоқлар тўқилмоқда

— Ишларимизни банкдан 10 миллион сўм микросармоя олиб йўлга қўйган эдик, — дейди жамият раҳбари Солижон Умрзоқов. — Эндиликда кредитларимизни муддатидан илгари узаяпмиз. Мақсадимиз — тез орада ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун янги микрокредит олиш ва цехимизга яна 10 та дастгоҳ ўрнатиш.

Оилавий тадбиркор Муҳаммаджон Қосимов эса 1 миллион сўмлик микросармоя эвазига Қорасувнинг ширмой нонини ёпмоқда. Бу иш билан тўрт киши шуғулланаётир.

Янги технологиялар — фермерларга

Банкнинг имтиёзли микролизинг хизматлари кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва микрофирмаларни замонавий техника ҳамда минитехнологиялар билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Жумладан, Шофиркондаги «Асадбек-Зарчабек олмазори» фермер хўжалиги раҳбари Алишер Асқаров пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да мунтазам равишда ўтказилаётган анъанавий минитехнологиялар ва ихчам ускуналар кўргазма-савдосига ташриф буюриб, «Микрокредитбанк» билан лизинг хизмати тўғрисидаги шартномани имзолаган эди. Тез орада фермерга мевани қайта ишлайдиган, қиймати 6,5 миллион сўмлик технология олиб берилди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган олма шарбатлари ва бошқа сервитамин ичимликлар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Мазкур тумандаги «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш корхонаси тўғрисида ҳам худди шундай гапларни айтиш мумкин. Чунки бу корхонада ишлаб чиқарилаётган, асосан уч литрли шиша идишларга қадоқланадиган мева шарбатлари бугун бутун республикамизга маълум. Корхона маъмурияти ўз фаолиятини «Микрокредитбанк»нинг 21 миллион сўмлик микролизинг хизматидан фойдаланган ҳолда йўлга қўйган эди. Айни кунларда қишлоқ корхонаси мева шарбатлари ишлаб чиқарадиган консерва заводига айланган.

«Комил-Эркин» ишлаб чиқариш-савдо фирмаси раҳбари Комил Отабоев эса банкнинг 40 миллион сўм кредити эвазига босмахона учун янги, замонавий техника сотиб олди. Натижада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайтирилди. Аҳамиятлиси, офсет усули Бухоро вилояти бўйича биринчилардан бўлиб мана шу корхонада амалга оширилди. Ҳозир бу ерда энг замонавий ва катта ҳажмдаги китобларни, газета ҳамда журналларни нашр этиш имкони мавжуд.

Қисқача айтганда, банкнинг ўтган йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига салкам 15 миллиард сўм миқдорида кўрсатган микролизинг хизматлари натижасида бугун бу соҳада 4,5 минг нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда.



Омонатлар жозибаси

Аҳоли бўш пул маблағларини ўз айланмаларига жалб этиш мақсадида «Микрокредитбанк» барча ташкилий чора-тадбирларни амалга оширди. Натижада жорий йилда омонатлар қолдиғи ўтган йилдагига нисбатан 70 фоизга ошди.

Банк томонидан тақдим этилаётган ҳар бир омонат мижозларга ўзининг жозибадорлиги билан манзур бўлмоқда. Масалан, банк Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ўтган йилнинг декабрь ойида юқори фоизли «Тараққиёт» ва «Фаровонлик» номли янги омонат турларини жорий этди. Чекланмаган муддатга тақдим этилаётган «Талаб қилиб олингунча» омонат жамғармасига фуқаролар ўз маблағларини нақд ёки нақд пулсиз қўйишлари ва уни биринчи талабидаёқ олишлари мумкин. «Истеъмол жамғармаси» омонатига маблағ қўйган мижозга эса банк томонидан бир ярим ойдан сўнг тегишли суммaнинг уч баробари миқдорида истеъмол кредити берилиши фуқароларимиз учун яратилаётган имкониятлардан биридир.

Сақланиш муддати олти ой бўлган «Камалак», ўн икки ойга мўлжалланган «Тақдим этувчига», уч йиллик «Сармоя» ҳамда тўққиз ойлик «Истиқлол» омонатларига маблағ қўйган фуқароларимиз фоиз суммаларини олишмаса, ушбу фоизлар омонатга ойма-ой қўшилиб бораверади.

Бундан ташқари, банк ўзининг махсус омонатларини ҳам таклиф қилмоқда. Хусусан, «Махсус Меҳрибонлик» ва «Махсус Мададкор» омонатлари шундай жамғармалар сирасига киради. Яъни, «Махсус Меҳрибонлик» омонати Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар учун аталган бўлса, «Махсус Мададкор» омонати кам таъминланган оилаларда яшовчи жисмоний шахсларга мўлжалланган.

Беш ой муддатли «Кафолат» ҳамда бир йил муддатли «Ишонч плюс» омонатларига эса маблағлар фуқароларнинг хоҳишига қараб АҚШ долларида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида банк томонидан кўрсатилган ана шу хизматлар муносиб баҳоланиб, "Энг яхши инновацион банк" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Ушбу танловда, шунингдек, банкнинг Навоий вилояти Амалиёт бўлими қошидаги «Ёшлик» мини банки «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2008 йилнинг энг яхши мини банки» номинациясида I даражали, Қорақалпоғистон Республикасидаги Манғит филиали «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2008 йилнинг энг яхши филиали» номинациясида II даражали ва Жиззах вилояти Амалиёт бўлими қошидаги «Дўстлик» мини банки «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2008 йилнинг энг яхши мини банки» номинациясида III даражали диплом билан тақдирландилар.

Халқаро ташкилотлар эътирофи

Банк жамоаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш йўналишида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг кичик грантлари бўйича Тошкент вилояти учун мўлжалланган лойиҳага ажратилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолият ҳам халқаро рейтинг ташкилотларининг эътиборини тортмоқда. Бутунжаҳон Микромолиявий ташкилотларнинг ахборот алмашинуви — «MIX-MARKET» рейтинг агентлиги ҳисоботига кўра, "Микрокредитбанк" Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида фаолият юритаётган банклар, давлат ва хусусий кредит уюшмалари орасида аҳолига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлари бўйича 2008 йилда энг юқори кўрсаткичларга эришиб, "5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк" сифатида эътироф этилгани бунинг тасдиғидир.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам "Микрокредитбанк" жамоаси тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

«Микрокредитбанк» матбуот хизмати.

Ўзбек халқининг буюк мутафаккири Навоийнинг ҳаётий фаолияти кўп қиррали ва самарали бўлганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо, очиғини айтиш керакки, уни кўпроқ "шеърият султони" сифатида таниймиз ва қадрлаймиз. Ваҳоланки, у давлат равнақи, юрт истиқболига салмоқли ҳисса қўшган йирик давлат ва жамоат арбоби ҳамдир.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

«...АЖАБ САОДАТ ЭРУР ҚОЛСА ЯХШИЛИК БИЛА ОТ»

Навоий бобомиз нафақат ижоди, балки жамият ҳаётидаги фаоллиги билан ҳам эл-юрт дуосига сазовор бўлган.

Сафардан устун савоб

Навоий Темурийлар давлатининг сўнгги босқичида, яъни Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги вақтида саройда аввал мухрдорлик, сўнг вазир лавозимларида ишлаб, зиммасига юклатилган вазифаларни чуқур масъулият билан адо этди. Машҳур муаррих Хондамирнинг ёзишича: "Ҳирот пойтахтига Навоий муборак қадамини қўйди. Бунда энг юқори даражага кўтарилиб, подшоҳ ноиблигини қўлга киритиб, ҳукумат арбобларига раҳбарлигини, бутун халқ ва ҳукумат масалаларини ҳал қилишни, мамлакат ва миллат ишларини тартибга солишни, дин ва давлат аҳволини интизомга қўйишни ўз устига олиш билан бирга, бутун вақтини китоб ибораларини тузатиш, маъноларини текшириш, далиллар билан исбот этиш, масалаларни ҳал қилиш, илмларнинг сирини очиш ва ақлий фанларнинг нозик нуқталарини топишга сарф қилди".

Бинобарин, Навоийга ҳокимият бошқарувида катта ваколатлар берилган эди. У "Худога, пайғамбарга ва буйруқ эгаларига итоат қилинг" ва "Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал" деган ақидага амал қилиб, амирлик тахтини ва ҳукумат маснадини ўзининг муборак қадами билан зийнатлади ҳамда жабр-жафо рақамларини даврон саҳифасидан маҳв қилиб, адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйиб, пуралам даҳр касалларига адолат шарбати билан шифо бахш этди".

Кўриниб турибдики, Султон Ҳусайн Бойқаро ишониб топширган ички сиёсатни Навоий ақлидрок, билимдонлик ва ҳалоллик билан юргизиши туфайли мамлакатда адолат ва инсоф ҳукм суриб, давлатнинг куч-қудрати анча мустаҳкамланади. Одилона бошқарув ва ислоҳотлар деҳқонлар, ҳунармандлар ва умуман, меҳнаткаш омманинг манфаатлари ҳисобга олинган тарзда амалга оширилиши жамиятда нисбатан барқарорлик ва фаровонликни таъминлайди.

Султон Ҳусайн Бойқаро, сарой амалдорлари Навоийнинг давлат ва халқ олдидаги беқиёс хизматларини доимий равишда юқори баҳолаб, қадр-қимматини муносиб ўрнига қўйганлар. Жумладан, унга ўзларининг миннатдорчиликлари ва эҳтиромларини турли шаклда изҳор қилиб турганлар. Бунга султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийнинг ҳажга бориш ҳақидаги сўровига жавобан йўллаган хати яққол мисол бўла олади. Хат шундай бошланади: "Салтанат рукни, мамлакат таянчи, дин ва давлат арбобининг зубдаси, мулк ва миллат соҳибларининг пешвоси, хайрли бинолар муассиси, покиза ишларга йўллаган, ҳаққоний давлатнинг мададкори, султон ҳазратнинг яқини Низомиддин Амир Алишер жанобларига лутфимиз кўп дуолар ва шавқ қўзғатгувчи саломлар тўпламини етказамиз, файзли мулоқотлари орзуси шарҳ ва баён доирасидан ортиқдир... Гап шундаки, ҳаммага, балки оламга ва олам аҳлига ошкордирки, ул жаноб билан бирлик ва ҳамжиҳатлик боғланиш алоқаси ва ҳамнафасликни кичикликдан то шу кўнгача қайси даражагача олиб борганмиз ва олиб борамиз. Ҳамма вақт ва ҳамма аҳволда ул жанобнинг шариф хотири розилигини ўзимизнинг муддао ва талабларимиздан устун билиб, бу жиҳатни мислсиз давлат далилларидан санадик ва санаймиз. Ҳақиқатан, унинг қаршисида ул жанобдан давлатхоҳлик асарлари, ихлос, яхши фикрдалик ва яқинлик каби ҳислатлар юзага келган ва юзага келади. Бу қўёшдан ҳам равшанроқ бўлгани учун тафсил беришнинг фойдаси йўқ. Ўзлари биладики, ҳеч қачон ўртада такаллуф ва ўзгалик бўлмай, ҳамма вақт сўз шундай ўтардики, у салтанат таянчининг хотирига хайрихоҳлик ва яхши фикрлик йўли билан нимаики келса, тўққиз мартагача уни айтишгача рухсат берилган эди. Бизнинг ҳам доимо хотиримизга нимаики келса, меҳрибонлик юзасидан изҳор қилардик!"



Алишер Навоийнинг мамлакат сиёсий жараёнларида тутган ўрни нечоғли муҳим аҳамият касб этганини султон Ҳусайн Бойқаро Ҳажга кетиш масаласи кўтарилган суҳбатда садоқатли вазирига қарата айтган сўзларидан ҳам билиш мумкин. "Аниқ биламанки, — дейди у, — агар сизнинг шариф вужудингиздан бу мулк ҳоли қолса, катта-кичик барча халойиқнинг аҳволида қўзғолон юз беради".

Манбаларда таъкидланишича, Навоий ўзига рухсат берилишини султон Ҳусайн Бойқародан ҳадеб сўрайверган, алалоқибат розилигини ҳам олган. Бироқ сафар тараддудини кўришга киришгани заҳот Ҳирот аҳли, олимлар, шоирлар, уламолар, катта-кичик мансабдорлар ва бошқа нуфузли кишилар Навоий ҳузурига келиб, сафарни тўхтатишни сўрайдилар: "Сизнинг файз-баракали зотингиз Хуросон ўлкаси тинчлигининг сабаби ва инсонлар осойишининг боисидир. Бу вақтда бу диёр султони соҳибқирон вужудидан холидир. Агар сизнинг ҳам муборак файзли нурингиздан (мамлакат) четда қолса, мумкинки, фитналар юз бериб, унинг тадоруки имконсиз бўлиб қолади". Алишер Навоийга, айниқса, Шайбонийхон қабул қилурмиз ва инсонлар манфаати учун бу навбат ҳам ўзимизни бу истакдан қайтардик".

Бундай олижаноблик Навоий ҳузурига келганларнинг қалбини тўлқинлантириб юборадики, севинч ва хурсандчилиги ошиб-тошиб кетади. Ахир Навоий бутун мамлакат тинчлиги ва барқарорлигининг рамзи эди-да!

Бунёдкорлик жонкуяри

Темур ва темурийлар даврида мамлакатда йирик қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилганлигини муаррихлар ўз асарларида муфассал баён этганлари ҳеч кимга сир эмас. Ана шу бунёдкорлик тарихида Навоийнинг дахлсиз шуҳрати, амирона меҳнати, тадбиркорлик истеъдоди минг-минг таҳсинга сазовор. У мамлакат салоҳияти ва шон-шуҳрати ҳашаматли бинолар, ажойиб боғу равонлар, озода ва обод кўчалар, зилол сувли ҳовузлар ва бозорлар билан ўлчанишини жуда яхши билган. Валлоҳ, ззгу ва хайрли ишлар рўёби учун умри давомида ақл-идроки, куч-қуввати ва бойлигини аямай сарфлашга интилган. Хусусан, "Ихлосия", "Шифоия", "Низомия", "Хусравия" мадрасаларини бунёд этишда фаол иштирок қилди, лойиҳасидан тортиб энг сўнгги ғишти қўйилгунча бош-қош бўлди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу мадрасаларда талабалар учун қулай шарт-шароитлар яратилган, уларга махсус нафақалар белгиланган эди. Тез орада мазкур илм даргоҳлари таълим бериш даражаси ниҳоятда юксак савияда ташкил этилганлиги ва уни бу ерга ҳужум қилиши хавфи борлиги уқтириб ўтилган ўтинчлар қаттиқ таъсир кўрсатади. Мамлакат тинчлиги ва хавфсизлиги қил устида турган вазият уни ўйлантириб қўяди. Табиийки, Алишер Навоий сафарни қолдиради. "Мўмин қалбига, — дейди у сафардан воз кечганини билдириб, — шодлик киритиш бутун инсонлар ибодатидан хайрлидир", деган сўз мулоҳазаси билан сизларнинг илтимосингизни билан эл оғзига тушди, нуфузи қўшни давлатларда ҳам ҳавас уйғотди. Бу хусусда Хондамирнинг қуйидаги тарихий эътирофи гувоҳлик беради: "Донишманд арбобларнинг хотирида яширин қолмасинки, юқорида зикр қилинган биноларнинг шарофати ва барокати бутун дунёга шу қадар машҳурки, бундан зиёдани хотирга келтириб бўлмайди. Айниқса, "Ихлосия" мадрасаси билан "Халосия" хонақоҳи бино қилинган замондан то шу кунга қадар йигирма йил муддат ичида дунёнинг ҳар тараф ва ҳар бурчагидан бу икки муборак жойга минглаб талабалар келиб, оз фурсатда турли илм ва фанларни ўрганишга муваффақ бўлиб, олқишлар ва мақтовлар билан ўз ватанларига қайтганлар. У гуруҳлардан кўплари ҳозирги Ҳирот шаҳрида мударрислик мансабига эришиш билан фахрланадилар".

Манбаларда келтирилишича, Навоий томонидан жами 4 мадраса, 16 дан ортиқ масжид, 11 ҳонақоҳ, 50 дан ортиқ работ, 18 ховуз, 16 кўприк ва тўғон, 9 ҳаммом қурилган.

Илм-фан фидойиси

Навоий олимлар, шоирлар ва умуман, зиё аҳлининг ҳомийси ва таянчи сифатида Ҳирот аҳлини мафтун этган эди. У — сон-саноқсиз кўнгилочар боғлар, шодлик орттирувчи манзилларни олим ва фозилларга инъом қилган. Донишманд олимлар ҳар вақт унинг мажлисида қатнашар, соз суҳбатидан кўп ва хўб фойдаланар эдилар. Машҳур фозил аҳиллари ҳар вақт унинг жавоҳир сўзларини тинглардилар ва манфаатланардилар...

Навоий сахий, халқпарвар, раҳмдил инсон эди. Муаррихларнинг ёзишича, Навоий "Халосия" хонақоҳида минглаб заифалар ва мискинларни лазиз таомлар билан сийлаган. Ҳар йили муҳтожларга икки мингга яқин пўстин, чакмон, қўйлак ва кавш улашган.

Мухтасар айтганда, Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти шу даражада жўшқин ва самарали кечдики, ундан олинадиган сабоқ ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Зеро, у миллат ва давлат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйиб, она юрти куч-қудрати ва тараққиётини таъминлашда жонини ҳам, молини ҳам аямади. Унинг катта хизматлари туфайли хароб ҳолдаги Ҳирот обод шаҳарга, фан ва маданият марказига айланди. У буюк шоир бўлиш билан бир қаторда, машҳур давлат ва жамоат арбоби, тараққиёт ва фаровон ҳаёт жарчиси сифатида шуҳрат қозонди.

Муаррих Хондамир таъбири билан айтганда: "То қиёматгача ва қиёматда ҳам улуғ Навоийнинг яхши ишлари ва ёқимли феълларининг зикри замон саҳифаларида, кеча ва кундуз варақларида мангу қолур. Нозик таъбининг софлик ва соғломлик овозаси оламга ёйилди ва муборак фикрининг дадиллиги ҳақидаги сўзлар халқ орасида тилдан-тилга кўчиб юрди. Сочма марваридлари осмон варақларига зийнат берди, назм жавоҳирлари жаҳон садафини қимматбаҳо дурга айлантирди. Донишмандлар яхши ном қолдиришни алоҳида бир умр деганлар".

Ҳамид ЗИЁЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ТАЛАБАЛАР «КАМОЛОТ»ДАН МИННАТДОР

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларнинг олий ўқув юртларига кириши ва ўқиши учун бир қатор имтиёзлар яратилгани айни муддао.

Улардан бири тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабаларга шартнома пулининг 35 фоизи "Камолот" ҳисобидан тўланаётганидир.

— Давлатимиз томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнунмиз, — дейди Самарқанд давлат университети филология факультети талабаси Шавкат Худоёров. — Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг имтиёз асосида ўқишга қабул қилиндим. Эндиликда эса тўлов-шартнома асосида ўқиётганим боис "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ёрдамидан баҳраманд бўлиб келаяпмиз.

Жорий ўқув йилининг ўзида биргина СамДУнинг 448 нафар талабаси шундай имтиёздан фойдаланди. Улар учун "Камолот" томонидан 145 миллион 876 минг 500 сўм маблағ ўтказиб берилди. Шунингдек, Самарқанддаги бошқа олий ўқув юртларининг ҳам 300 нафарга яқин талабаси "Камолот"нинг ушбу хизматидан мамнун бўлишди.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК

Тошкент, Кўқон, Бухоро, Қарши-Термиз ва Қўнғирот минтақавий темир йўл узеллари, шунингдек, компаниянинг Юк ташиш ва тижорат ишлари бошқармаси қошидаги юк ташишни ташкил этиш бўлими томонидан темир йўл транспортида юк жўнатувчиларга сервис хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида юк жўнатувчилардан юкларни ортиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш бўйича аризаларни қабул қилиш қуйидаги тартибда жорий этилганлигини маълум қилади:

— иш кунлари соат 9.00 дан 20.00 гача;

— шанба ва якшанба кунлари соат 9.00 дан 15.00 гача.

Маълумот олиш учун телефонлар: 237-93-96, 237-99-79, 237-90-73, 237-90-87.

609/121

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

11 февраль куни "Пахтакор" стадионида 2010 йил Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати тўртинчи саралаш босқичининг бешинчи турида Ўзбекистон ва Бахрайн терма жамоалари ўзаро куч синашадилар. Учрашув соат 16:00 да бошланади.

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ЎФФ матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, малайзиялик Моҳд Субҳиддин Солиҳ учрашувда бош ҳакам вазифасини бажаради. Унга Му Юн Хин (Хитой) ва Борикут Тханум (Таиланд) кўмаклашади. Эсингизда бўлса, Субҳиддин Солиҳ Ўзбекистон — Саудия Арабистони (3:0) ва Қатар — Ўзбекистон (3:0) ўйинларини ҳам бошқарган эди.

Кеча муҳим учрашув олдидан терма жамоа таркибига жалб қилинган футболчилар рўйхати эълон қилинди. Бош мураббий Миржалол Қосимов бу safar 26 нафар футболчи хизматидан фойдаланадиган бўлди. Улардан 5 нафари кутилганидек, легионерлардир. Аввалги йиғинда иштирок этган Шаҳбоз Эркиновдан ташқари, терма жамоа сардори Максим Шацких, Виталий Денисов, Вагиз Галиулин ва Азиз Ибрагимовлар бош мураббийдан чақирув олишди. Маҳаллий ўйинчилардан эса, "Бунёдкор"нинг тажрибали футболчилари — ҳимоячи Хайрулло Каримов ва ҳужумчи Анвар Солиевлар ҳам таркибга қўшилишган.

5-11 февраль кунлари Тошкентда ўтказиладиган ўқув-йиғин машғулотига таклиф этилган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тўлиқ таркиби қуйидагича кўриниш олди:

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Темур Жўраев ("Пахтакор"), Михаил Наумов ("Машъал"). **Ҳимоячилар:** Анвар Ғофуров, Артём Филипосян ("Машъал"), Анзур Исмоилов ("Пахтакор"), Саҳоб Жўраев, Хайрулла Каримов ("Бунёдкор"), Ислом Тўхтахўжаев, Руслан Мелзитдинов ("Нефтчи"), Ҳикмат Ҳошимов ("Металлург"), Виталий Денисов ("Днепр", Украина). **Ярим ҳимоячилар:** Одил Аҳмедов, Элдор Магдеев ("Пахтакор"), Темур Копадзе, Жасур Ҳасанов, Сервер Жепаров ("Бунёдкор"), Вагиз Галиулин ("Рубин", Россия), Фозил Мусаев ("Насаф"), Азиз Ибрагимов ("Богемианс", Прага). **Ҳужумчилар:** Фарҳод Тожиев ("Пахтакор"), Илёс Қурбонов ("Динамо", Самарқанд), Максим Шацких ("Динамо", Киев), Улуғбек Бақоев, Анвар Солиев ("Бунёдкор"), Шаҳбоз Эркинов ("Пас", Эрон).

Денис Истомин кейинги босқичда

Йоханнесбург (ЖАР) шаҳрида теннис бўйича йирик халқаро турнир бошланди.

Ушбу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Денис Истомин кеча ўтказилган биринчи босқич учрашувида испаниялик теннисчи Сантьяго Вентурани мағлубиятга (4/6, 6/4, 7/6) учратди. У иккинчи босқичда франциялик Жо-Вилфрид Тсонга қарши кортга чиқади.

Пойтахтимизда шахмат бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўн ёшгача бўлган иштирокчилар орасида ўтган йилги мамлакат чемпиони тошкентлик Ортиқ Неъматов жуда ишончли ўйин намойиш этди. Яқинда саккиз ёшга тўлган иқтидор соҳиби тўққиз учрашувнинг барчасида ғалаба қозониб, шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Қизлар ўртасида фарғоналик Гулруҳ Тоҳиржонова мамлакат чемпионлигини қўлга киритди.

Ўн олти ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида эса самарқандлик Жаҳонгир Воҳидов ва сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоевалар устун чиқишди. Ғолиблар жаҳон ва қитъа чемпионатларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

З. ЖОНИБЕКОВ.



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ОБ-ҲАВО (5 февраль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида бўлади. Навоий вилоятининг шимолий ҳудудида кечаси 10-15, кундузи 0-5 даража совуқ бўлиши кутилмоқда.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ — 3 даража илиқ ўртасида бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғингарчилик (ёмғир, қор) бўлиши мумкин. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ.

Фарғона водийси. Баъзи ҳудудларда ёғингарчилик кузатилиши мумкин. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Тунда 1-3 даража совуқ, кундузи 1 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ООО "Росагропромснаб" предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые "Гобой-1"

Цена - от 1 365 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмин, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ТЕПЛОПРИБОР

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

Товар сертифицирован

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")

Тошкент Давлат Юридик институти жамоаси Конституциявий ҳуқуқ кафедраси профессори, юридик фанлари доктори

Абдужаббор Тўлаганович ТЎЛАГАНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Каримов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 2.20 Топширилди — 2.45 7 8